

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЗУЛХУМОР СОЛИХ ҚИЗИ**

**ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ  
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation**

**Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи**

Оилага қарши жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик  
жиҳатлари.....3

**Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи**

Уголовно-правовые и криминологические аспекты преступлений  
против семьи.....25

**Ibrokhimova Zulxumor Solix qizi**

Criminal-legal and criminological aspects crimes against family.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРОҲИМОВА ЗУЛҲУМОР СОЛИХ ҚИЗИ**

**ОИЛАГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ  
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Yu5 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» таълим Ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович**  
юридик фанлар доктори (DSc), доцент

**Расмий оппонентлар:** **Ахмедова Гўзалхон Уткуровна**  
юридик фанлар доктори (DSc), доцент

**Нажимов Миратдийин Шамшетдинович**  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 ноябрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1071-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» ноябрь куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» ноябрдаги 6-рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

**М.М. Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**М.К. Ўразалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида оиланинг нуфузини тиклаш, оила аъзоларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш заруратининг глобал даражада эътироф этилганлиги, мазкур институтни жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини такомиллаштиришнинг тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларга кўра ҳар йили дунёдаги хотин-қизларнинг 30% ўз оиласидаги яқинлари томонидан жисмоний ёки руҳий зўравонлигига учрамоқда<sup>1</sup>, 2021 йилда жаҳонда 2 ёшдан 4 ёшгача бўлган 300 млн.дан ортиқ болалар ўз оиласидаги зўравонлик ва шафқатсиз тарбия усулларида жабр кўришган<sup>2</sup>. Оиланинг ижтимоий институт сифатида давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва қўллаб-қувватланиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддаси 3-қисмида «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли»<sup>3</sup> эканлиги мустаҳкамланган.

Жаҳонда оилага қарши жиноятлар учун жиноят-ҳуқуқий жавобгарликнинг самарадорлигини ошириш, ушбу жиноятларга қарши курашишнинг янги замонавий жиноят-ҳуқуқий механизмларини яратиш, оила ва оилавий муносабатларга қарши жиноятларни таснифлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни дамда, инсон, оила манфаатлари нуқтаи назаридан оилавий низолар ва оилага қарши жиноятларни фарқлаш, оилага қарши айрим қилмишларни декриминализация қилиш ва аксинча, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий қилмишлар тоифасига ўтказиш, шунингдек, ушбу қилмишларнинг барвақт профилактикасини ва криминологик прогноз қилишни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда оилага қарши жиноятларни камайтириш, уларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли умумижтимоий мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар, оила институтини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «Оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатиш» сингари вазифаларнинг белгиланганлиги мазкур соҳани илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women>

<sup>2</sup> <https://www.unicef.org/kyrgyzstan/ru85>

<sup>3</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declhr.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml)

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2018), «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2021) фармонлари ҳамда «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «І. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг айрим жиҳатлари З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Закирова, М.Қ.Ўразалиев, М.А.Мусаев, Ж.С.Мухторов, Ш.А.Пулатова, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, М.А.Ражабова, М.Усмоналиев, А.С.Якубов, И.Ю.Фазилов, С.Латиповларнинг илмий ишларида ўрганилган.

МДХга аъзо мамлакатлар олимларидан А.Н.Игнатов, А.В.Наумов, А.И.Рарог, А.В.Лохвицкий, А.Н.Трайнин, А.И.Чучаев, В.В.Палий, В.Б.Малинин, Л.С.Белогриц-Котляревский, М.М.Бабаев, Н.И.Ветров, Н.С.Таганцев, П.Н.Путилов, С.В.Скляров, Ю.А.Красиков, Ю.Е.Пудовочкин, Ю.В.Ускова ва бошқалар томонидан оилавий муносабатларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Мейер М.С., Alexander K., Kleinbach R., Fletcher R., Макдугалл Джойс ва бошқалар томонидан мавзунинг жиноят-ҳуқуқий, психологик ва виктимологик жиҳатлари ёритилган<sup>4</sup>.

Бироқ мамлакатимизда оилага қарши жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасидаги «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида жиноят

---

<sup>4</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади** оилага қарши жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилага қарши жиноятлар тушунчаси ва уларнинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини таҳлил қилиш;

ислом динида оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий жиҳатларини ўрганиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида назарда тутилган оилага қарши жиноятларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

оилага қарши жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини юридик таҳлил қилиш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

оилага қарши жиноятларнинг криминологик тавсифи, уларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини, жиноятчи шахсининг хусусиятларини очиб бериш;

оилага қарши жиноятларнинг олдини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** оилага қарши жиноятларга оид жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни оилага қарши жиноятларга қарши курашишга оид жиноят-ҳуқуқий ва криминологик масалаларини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни амалиётда қўлланиши, ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва амалиёти, мазкур тоифадаги жиноятларга оид суд-тергов амалиёти, оила институтини ривожлантиришга доир халқаро стандартлар, шунингдек, тадқиқ этилаётган мавзуга доир илмий-доктринал қарашлар, концептуал ёндашувлар ва ғоялар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишини амалга оширишда индукция, дедукция, силлогизм каби мантиқий услублардан, тарихийлик, компаратив, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари талқини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, ижтимоий сўров, жиноят ишларига оид материалларни ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларини ташкил этишда замонавий намунали оила мезонларини ҳаётга жорий этиш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш каби жиҳатларга устувор аҳамият берилиши зарурлиги асосланган;

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни, шунингдек меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган

ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликни дифференциациялаш ва либераллаштириш зарурати асосланган;

аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш натижасида оғир оқибатлар рўй берганида жиноий жавобгарликни оғирлаштириш зарурлиги асосланган;

моддий таъминлаш мажбуриятлари бўйича қарздорлик тўлиқ қопланган тақдирда шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши кераклиги зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оилага қарши жиноятларга қарши курашни самарали ташкил этиш, бу борадаги қонунни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этиш, бу туркумдаги жиноятлар ичида энг кўп тарқалгани – вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлашга қарши таъсирчан механизмларни жорий этиш мақсадида жиноий жавобгарликни такомиллаштириш зарурлиги асосланган;

миллий жиноят қонунчилигига асосланиб, қариндошлик ва оила асосларига қарши, оила турмуш тарзига, оила манфаатларига тажовуз қиладиган жиноятлар гуруҳларини, шунингдек, болалар (вояга етмаганлар)нинг ахлоқий, маънавий, ақлий, жисмоний ривожланишига қарши қаратилган жиноятлар гуруҳи таснифланган;

вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахс устидан белгиланган тартибда васийлик (ҳомийлик) вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, хусусан вояга етмаган (меҳнатга лаёқатсиз) бўлган шахсни назоратсиз ёхуд қаровсиз қолдириш учун жиноий жавобгарликни белгилаш тавсия этилган;

вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган жиноят содир этиш ҳолатларида, ота-онага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган масъул ходимга муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш юзасидан тегишли судга тақдимнома киритиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

оиладаги зўравонлик, яъни эр (хотин) ёки собиқ эр (хотин) ёхуд эр-хотиндек яшаган (яшаётган) бошқа шахсни, шунингдек ўз отасини (онасини), фарзанд (фарзандликка олинган)ларни қийнаш, азоб бериш, уриш-дўппослаш, таъқиб қилиш ёхуд уларга зўрлик ишлатиш (жисмоний зўрлик) ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (руҳий зўрлик) орқали муттасил равишда жисмоний, руҳий, психологик босим ўтказиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ўтказиш давомида олинган илмий ва назарий хулосалар, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва криминология фанларида ишлаб чиқилган назарий билимларга, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асослангани, шунингдек, илмий ишда келтирилган маълумотлар



ишончилиги расмий нашрларда чоп этилган, оилага қарши жиноятларга қарши курашишга оид суд-тергов амалиётининг 2016-2021 йилларга оид статистик ахборот маълумотлар, мавзу доирасида ўтказилган бошқа илмий тадқиқот ва бошқа манбалардан қонуний фойдаланганлик билан тасдиқланади. Тадқиқот ўтказишда 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ИИВ ходимлари орасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган 200 тадан ортиқ суд ва тергов идоралари ходимларидан олинган маълумот ва фикрлар ҳамда 250 дан ортиқ оилага қарши жиноят иши ҳужжатларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонун қўллаш амалиётида, жиноят қонунининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Жиноят ҳуқуқи» ва «Криминология» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ҳуқуқи соҳасида қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, оилага қарши жиноятларга оид амалиётни унификациялаш, мазкур жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Жиноят ҳуқуқи», «Криминология» ва «Жиноят ҳуқуқи муаммолари» фанлари бўйича маъруза, амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят қонунини такомиллаштириш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, оилага қарши жиноятларга қарши курашишнинг самарали ва таъсирчан механизмларини жорий этиш, янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилага қарши жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганишга бағишланган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва замонавий намунали оила мезонларини ҳаётга жорий этиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш ҳамда ибратли ота-она бўлиш кўникмаларини шакллантиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарорининг 1 ва 2-бандларини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 21 майдаги 12/21-25-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга ва шу орқали оилага қарши жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилган;

вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ҳамда ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликни кучайтиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–459-сон қонунининг 31-моддаси билан киритилган қўшимчалар асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122 ва 123-моддаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2021 йил 21 майдаги №27/142-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши жиноят қонунини либераллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасида кўзда тутилган аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормани мазкур ҳаракат натижасида оғир оқибатлар рўй берган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифдан янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 166-моддаси 2-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 21 майдаги №27/144-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши оилага қарши жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олишга ва адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ҳамда ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиланган нормаларга шахс ўзининг моддий (алимент) мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган тақдирда, шахс айнан жиноий жавобгарликдан озод қилинишининг аниқлаштирилишига оид таклифлардан янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасининг 148-моддаси 2-қисми ва 149-моддаси 2-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 21 майдаги №27/144-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши оилага қарши содир этилган жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга ва уларнинг олдини олишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ўтказилган илмий тадқиқот юзасидан олинган натижалар 6 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 3 та халқаро миқёсда ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот давомида олинган илмий хулосалар, таклифлар ва илмий-амалий тавсиялар жами 20 та илмий иш, жумладан 14 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) ва 6 та тезисда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, саккизта параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Оилага қарши жиноятлар учун жавобгарликнинг умумий тавсифи ва айрим хорижий мамлакатлар Жиноят кодексида оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик**» деб номланиб, унда оилага қарши жиноятлар тушунчаси ва улар учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, Ўзбекистон ҳудудида оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиши, хорижий мамлакатлар Жиноят кодексида оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида (бундан кейин матнда Ўзбекистон Республикаси ЖК деб юритилади) оилага қарши жиноятлар алоҳида гуруҳга киритилганлигини, уларга Ўзбекистон Республикаси ЖК V боби 122-126-моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли, оила манфаатларига қарши ҳамда вояга етмаганларнинг соғлиғига, жисмоний, рухий, ахлоқий, интеллектуал ривожланишига зарар етказиши мумкин бўлган қасдан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) киришини асосланган.

Муаллиф юридик адабиётларда «оила»нинг ягона тушунчаси мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида «оила» атамасининг ҳуқуқий таърифи берилмаганлигини таъкидлаб, фуқаролик ва оила ҳуқуқи назариясида оила тушунчасининг ижтимоий ва ҳуқуқий маънода берилган таърифларни таҳлил қилиб, *жиноят-ҳуқуқий маънода* оила деганда, никоҳ, қариндошлик, асраб олиш ёки болаларни васийлик, ҳомийликка олишнинг бошқа шаклидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган шахслар доирасини тушуниш керак, яъни оила ота-оналар (асраб олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ва болалар (шу жумладан, асраб олинган болалар) томонидан ташкил бўлади, деган фикрни илгари сурган ва биргаликда яшаш ва ягона хўжаликни юритиш жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан оиланинг зарурий белгиси эмаслигини асослаган.

Диссертацияда (С.Латипов, А.Отажонов, С.Гришаев, Е.Усачева, Г.Исмоилова, А.Назаров, И.Туктарова, А.Красиков, П.Филиппов, Д.Абдуллаева ва И.Астанов)нинг оила, оилавий муносабатларга қарши жиноятлар тушунчаси ва турлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари таҳлил

қилиниб, ЖК V бобида назарда тутилган жиноятларни асосий бевосита объектига кўра:

1) қариндошлик ва оила асосларига қарши жиноятлар: ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 125<sup>1</sup>-м); кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м).

2) оила турмуш тарзига, оила манфаатларига тажовуз қиладиган жиноятлар: болани алмаштириб қўйиш (ЖК 124-м); фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЖК 125-м).

3) болалар (вояга етмаганлар)нинг ахлоқий, маънавий, ақлий, жисмоний ривожланишига тажовуз қиладиган жиноятлар: вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м) каби гуруҳларга ажратилган.

Илмий ишда оилага қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонун нормалар генезиси даврларга ажратилиб, яъни қадимги давр (милоддан аввалги илк ҳуқуқий манбалардан бири – Авестода Никоҳ ва оила муносабатларига оид алоҳида боб бўлганлиги), ислом даври (шариатда зино Аллоҳга қарши жиноят сифатида энг оғир жиноятлардан бири деб тан олинганлиги), чор Россияси ва совет даври (1865 йилги Суд Низоми, 1924 йилги СССР ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги Асослари, 1959 йилги ЎзССР ЖК), мустақиллик даври (1994 йилги ЖК, 1998 йилги Оила кодекси, оилага оид қонунчилик ҳужжатлари) таҳлил қилинган.

Диссертант ушбу жиноятларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда оилага қарши 3,8 минг жиноят қайд этилган бўлса, 2016 йилда – 4,5 мингдан ортиқ жиноят, 2017 йилда – 3,9 мингта жиноят содир этилганлиги, 2018 йилдан бошлаб оилага қарши жиноятлар сони кескин (деярли 10 бараварга) камайиб кетганлигини, ушбу жиноятларнинг 80% га яқини алимент тўлашдан бўйин товлаш эканлиги, 2018 йилдан алиментларни ундиришда ишни жиноий жавобгарликка етказмасдан ҳал этишга қаратилган бир нечта янгиликларнинг қонунга киритилганлиги (хусусан, медиация), шунингдек, Бош прокуратура МИБ фаоллиги ортганлиги билан боғлайди.

Мазкур бобда оилага қарши жиноятларга оид хорижий давлатлар қонунчилигини оилага бўлган муносабатининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда шартли равишда уч гуруҳга ажратилиб, ҳолда айрим хорижий давлатлар Германия, Испания, Голландия, Швейцария, Польша, Япония, Хитой, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь, Украина ва бошқа давлатларнинг ЖК ўрганилиб, бир қатор хулосаларга келинган. Жумладан, Европа давлатлари жиноят қонунчилигида нафақат боланинг оилада яшаш ва тарбиялаш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, балки вояга етмаганнинг ҳуқуқларини ота-онаси томонидан бузилишидан ҳам ҳимоя қилувчи нормалар мавжуд. Ушбу нормаларда бола нафақат бегоналарнинг тажовузларидан, балки унинг учун масъул бўлган шахслардан ҳам муҳофаза қилинган. Бундан ташқари, жиноят қонунчилигида нафақат болани алмаштириш учун, балки вояга етмаган шахсни ўғирлаш учун ҳам жавобгарлик мавжуддир.

Боланинг энг муҳим ҳуқуқлари: оилада яшаш ва тарбия олиш, унга ғамхўрлик қилиниши, моддий қўллаб-қувватлашга бўлган ҳуқуқи Европа давлатлари жиноят қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси ЖКдаги каби ишончли ҳимояланган, бироқ миллий жиноят қонунчилигида айрим бўшлиқлар мавжуд: мисол учун, болани ташлаб кетишга, ота-она ваколатларининг бузилишига оид қоидалар мавжуд эмас (масалан, Швейцария ЖКда вояга етмаганни ота-она ёки ҳомийлик ваколатига эга бўлган шахсга қайтаришдан бош тортганлик учун жавобгарлик назарда тутилган).

Айрим давлатлар Кодексларида ўзига юкланган васийлик (ҳомийлик) вазифасидан бўйин товлаш учун жиной жавобгарлик белгиланганлигидан келиб чиқиб, тадқиқотчи васийлик (ҳомийлик)дан ғаразғўйлик мақсадида фойдаланиш ёки тарбия остидагиларни назоратсиз ёки зарур ёрдам кўрсатмасдан қолдириш учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси ЖКга киритилиши ҳозирги кунда мақсадга мувофиқлигини асослантирган.

Шунингдек, мамлакатимиз ЖКни такомиллаштириш мақсадида, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахс устидан белгиланган тартибда васийлик (ҳомийлик) вазифаларини бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддани киритиш ҳақидаги таклиф асосланган ва мазкур модданинг таҳрири ишлаб чиқилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 48-моддасида (Васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш) жавобгарлик белгиланган маъмурий қилмишга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиб, модда диспозициясида васийликка олинганнинг зарарига *ғаразли* мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш назарда тутилганлиги боис, бу ҳуқуқбузарлик амалиётда кам содир этилганлигини (2015-2017 йилларда атиги 5 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган) кўрсатиб, мазкур модда диспозициясини ўзгартириб, унга нафақат қасддан, балки эҳтиётсизлик оқибатида содир этишни ҳам кўзда тутиш лозимлиги ҳақидаги таклифни илгари сурган (тегишли модда таҳрири ишлаб чиқилган).

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оилага қарши жиноятларнинг юридик таҳлили**» деб номланиб, унда оилага қарши жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари юридик таҳлил қилинган, оилага қарши айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ёхуд ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-123-моддалар) жиноятларининг умумий объекти шахснинг хавфсизлиги, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан таҳлил қилинаётган нормалар диспозициясида қайд этилган шахслар тоифасининг моддий таъминоти ва нормал турмуш шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, турдош объекти оила ва вояга етмаганлар манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, шу жумладан вояга етмаган болани тарбиялаш, парвариш ва мажбурий молиявий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқидир, деб ёзади.

Муаллифнинг фикрича, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ёхуд ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашнинг бевосита объекти вояга етмаган болалар, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарнинг яшаши учун зарур бўлган моддий шароитларни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг қўшимча объекти болаларнинг манфаатлари билан бир қаторда, суд ҳокимиятининг нуфузи ҳам ҳисобланади, чунки айбдор айнан суд қарорини бажаришдан бўйин товлаб, нафақат ота-оналик, балки ўзининг умумий фуқаролик мажбуриятларини ҳам бажармайди.

Тадқиқотчи болани алмаштириб қўйишнинг объекти – боланинг ўз оиласида яшаш ва тарбияланиш, шунингдек, ота-онанинг ўз фарзанди билан бирга яшаш, уни тарбиялаш ва уларнинг иродасига қарши ундан ажралмаслик ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, деб ҳисоблайди. Шунингдек, ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормаларни қўллаш амалиёти таҳлилига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКга қатор ўзгартиришларни киритиш зарурлигини асослайди, яъни, ушбу жиноят таркибида жабрланувчиларнинг кўпликда берилишининг мақсадга мувофиқлиги, модда оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилиши, унда икки ва ундан ортиқ болага нисбатан, касб ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши назарда тутилиши кераклигини қайд этиб, ЖК 124-моддаси номини ўзгартириш ва «Болаларни алмаштириб қўйиш» деб номланиши ва матнига тегишли ўзгартиришлар киритилиши зарур, деган фикрни исботлайди.

Ишда 2020 йилда одам ўлдиришнинг учтасидан биттаси (143 та); баданга оғир шикаст етказишларнинг 192 таси оилавий келишмовчилик оқибатида юз берган<sup>5</sup>лиги, ўз уйида зўравонликка дуч келган аёлларнинг 14.774 нафарига ҳимоя ордери берилган<sup>6</sup>ига қарамай атиги 317 та ҳолатда айбдорлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилганлиги, аксарият ҳолларда уйдаги зўравонлик, агар жабрланувчи арз қилса, ЖК 109-моддаси билан квалификация қилиниб, айбдор жарима тўлаш билан қутулганлиги, жабрланувчиларга, айниқса, зўравон билан бир уйда яшайдиган болаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг «Оиладаги зўравонликка қарши курашиш тўғрисида» ги қонунининг қабул қилиш ва ЖКга оиладаги зўравонлик, яъни оила аъзоларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи 126<sup>1</sup>-модда «Оиладаги зўравонлик»ни киритиш зарурати асосланган.

Унга кўра, **оиладаги зўравонлик**, яъни эр (хотин) ёки собиқ эр (хотин) ёхуд эр-хотиндек яшаган (яшаётган) бошқа шахсни, шунингдек ўз отаси (онаси)ни, фарзанд (фарзандликка олинган)ларни қийнаш, азоб бериш, уриш-дўппослаш, таъқиб қилиш ёхуд уларга зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали муттасил равишда жисмоний, руҳий, психологик

<sup>5</sup> <https://senat.uz/uz/lists/view/2735>.

<sup>6</sup> [https://uza.uz/uz/posts/iiv-2020-yilda-tazyiq-va-zoravonlikka-uchragan-14-ming-774-xotin-qizga-himoya-orderi-berildi\\_236643](https://uza.uz/uz/posts/iiv-2020-yilda-tazyiq-va-zoravonlikka-uchragan-14-ming-774-xotin-qizga-himoya-orderi-berildi_236643).

босим ўтказиш, агар ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Муаллиф, ички ишлар органларида носоғлом оила сифатида рўйхатда турган, тарбиялаш мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар сони кўплигини қайд этиб, шунга кўра, ота-она ёки вояга етмаганларга ғамхўрлик қилиш мажбурияти юклатилган ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик ва бепарволик билан қараши учун жиноий жавобгарлик лозимлиги ҳақидаги таклифни илгари сурган (тегишли модда таҳрири ишлаб чиқилган).

Диссертацияда вояга етмаган шахсларни назоратсиз ва қаровсиз қолдириш учун ҳар бир конкрет ҳолатда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласи ҳам кўрилиши зарур, деган фикр илгари сурилади. Айни чоғда, ота-онани ҳам четда қолдирмаслик мақсадида, тадқиқотчи томонидан жиноят ишларини кўришда судларга ота-онани мазкур мақомдан маҳрум қилиш масаласини кўриб чиқиш учун тегишли тартибда такдимнома киритиш мажбуриятини юклаш таклиф қилинади.

Тадқиқотчи оилага қарши жиноятларнинг субъектив томонини таҳлил қилиб, замонавий жиноят ҳуқуқи доктринасида мотивлар таснифига доир қарашларда паст ниятлар етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли амалиётда паст ният билан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда мураккабликлар юзага келаётганини таъкидлаб ўтади. Хусусан, «паст ниятлар» атамаси жиноят қонунчилигида анча кенг қўлланилади, масалан, ЖК 124, 125, 131, 133, 137, 139, 141<sup>2</sup>, 227, 230<sup>1</sup>-моддаларида субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида қўйилган.

Кўпинча у ғаразли ниятлар билан бирга келади (бунда ғаразли ва бошқа паст ниятлар деб қайд этилади). Демак, ғаразли ният шак-шубҳасиз, паст ниятлардан бири ҳисобланади, лекин, қонун чиқарувчи наздида, бошқа паст ниятлар ҳам мавжуд, яъни паст бўлмаган мотивлар ҳам кўзда тутилган. Муаллиф, паст ният деганда қонун чиқарувчи томонидан конкрет мақсад ва мотивация кўрсатилмасдан, қонунни қўлловчининг субъектив ихтиёрига топшириб қўйилиши, амалиётда турлича ҳал қилинишига сабаб бўлиши мумкинлигини қайд этиб, юридик матнда қўлланиладиган ҳар бир атама бир маъноли, расмий сўзлардан иборат бўлиши, қонун нормасида жиноий ниятларнинг аниқ берилиши жиноятни тўғри квалификация қилишга кўмаклашишини асослантирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

ЖК 124 ва 125-моддаларида «паст ниятлар» жумласини диспозициядан чиқариб, уни «бошқа шахсий манфаатдорлик» жумласи билан алмаштириш; иккинчидан, жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд фикрларга асосланиб, паст мотивларни норматив тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида, ҳар бир паст мотив кўрсатилган жиноят таркибини танқидий қайта кўриб чиқиш, ва имкон қадар уларнинг моҳиятини модда конструкциясида очиқ бериш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида судларга паст ниятларда содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш бўйича тушунтириш берилиши таклиф қилинган.

Оилага қарши жиноятлар субъектини ўрганиш, қоида тариқасида, ушбу жиноятларнинг деярли барчасининг субъекти умумий бўлиб, ушбу жиноятлар, амалда, жамиятнинг аъзоларининг ҳар бири томонидан содир этилиши мумкинлиги ва шунга кўра уларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилиги исботланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Оилага қарши жиноятларнинг криминологик тавсифи**» деб номланиб, унда оилага қарши жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг криминологик тавсифи, уларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлари ҳамда оилага қарши жиноятларнинг олдини олишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган.

Муаллиф оилага қарши жиноятларни содир этган жиноятчи шахсини, 250 дан ортиқ жиноят иши материаллари таҳлили асосида, 2015-2020 йилларда ушбу жиноятларни содир этган турли ёшдаги гуруҳларнинг нисбати сезиларли даражада ўзгармаганлигини, энг юқори жинойий фаоллик, аввалги йилларда бўлгани каби, 30 ёшдан 40 ёшгача бўлган шахслар гуруҳига тааллуқли бўлганлигини, улар ўрганилаётган жиноятларнинг 62%ни содир этганлигини аниқлаб, оилага қарши жиноят содир этганларнинг кўпчилиги аксилижтимоий йўналишга эга бўлган, тўла шаклланган шахслардир, деган хулосага келган.

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, оила-турмуш соҳасида юзага келадиган жиноятларда криминоген фаол, асосан 18–30 ва 31–40 ёшли шахслар бўлган. Бу ҳол профилактика чораларига алоҳида эътибор берилишини талаб қилади, чунки, 25–30 ёшдагилар ҳаётида юз берадиган оила-никоҳ муносабатларининг юзага келиши, янги мажбуриятлар ва ўзини тутиш каби ўзаро муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Нисбатан кичикроқ қисми – 18–29 ёшгача бўлган ёш гуруҳи ташкил этиб, содир этилган жиноятларнинг 20 % улар улушига тўғри келади. Бу ёш кўрсаткичлари бўйича аввалги тоифага яқин, аммо фарқли жиҳатлари ҳам бор, улар шундан иборатки, ўтиш (пубертат) даври ғоят индивидуал ҳодиса сифатида доим ҳам анъанавий равишда ёшга доир белгиланган аниқ чегараларда тугамайди, бу эса оила аъзолари ва (ёки) яқин қариндошлари билан муносабатда ўз изини қолдиради.

Ўрганилган жиноят иши материалларига кўра, жиноятларни содир этган шахсларнинг ярмидан кўпи умумий ўрта (40 %) ёки ўрта махсус (25 %) маълумотга эга эканлиги аниқланди. Тўлиқ бўлмаган умумий ўрта маълумот 23 % шахсда, олий маълумот – бу жиноятларни содир этган шахсларнинг атиги 12 % да бўлган.

Жиноятчи шахсларнинг салмоқли қисми ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган шахслар (48,5 %) ташкил қилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг ярмидан кўпи (64,3 %) ажрашган, 20,2 % оилали бўлган, 15,5 % уйланмаган (эрга тегмаган) бўлган.



Ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг яшаш жойи хусусиятлари ҳам криминологик аҳамиятга эга, уларнинг асосий қисми (78,4%) жиноят содир этилган жойда доимий истиқомат қилади, 21,6% эса – бу жойда доимий яшамайди.

Жиноятчи шахсининг психологик жиҳатига келсак, улар (83,7%) руҳан соғлом эканлиги аниқланди. Уларнинг ҳеч бири психиатр ёки невропатолог рўйхатида турмаган, ҳеч бирида интеллектуал, иродавий ва эмоционал соҳаларда яққол четга чиқиш ҳоллари бўлмаган.

Шахс мотивациясини криминологик тадқиқ қилиш, авваламбор, жиний хатти-ҳаракат мотивининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини ўрганишни ўз ичига олади. Мотивнинг шаклланишига ташқи ва ички омиллар таъсир қилган. Амалиёт материалларининг таҳлили жиний хатти-ҳаракатларнинг қуйидаги мотивларини ажратиш имконини берди: тамагирлик – 68,2%, ўч олиш – 27%, шахсий адоват – 4,8%. Жиний фаолликни бошлашга қисқа муддатли кучли ҳиссий портлашлар ва узоқ вақт давомида салбий потенциални шакллантирадиган мураккаб ҳис-туйғулар ҳам туртки бериши мумкин; баъзан уларни қўзғатиш учун майда баҳона ҳам етарли бўлади.

Оилага қарши жиноятларни содир этган жиноятчи шахсини ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, *ушбу тоифадаги жиноятларнинг аксарият қисми эркаklar томонидан содир этилган*, бу уларнинг оиладаги устун ҳолати, боқувчилиги мавқеи билан боғлиқ бўлган.

Иккинчидан, *оилага қарши жиноятларнинг аксарияти ўрта ёшдаги шахслар томонидан содир этилган*.

Учинчидан, оилага қарши жиноятларни содир этган шахсларнинг салмоқли қисми *спиртли ичимликларни муттасил равишда истеъмол қилишган*, қоида тариқасида, ушбу шахслар расман ишламаган ёки доимий иш жойига эга бўлмаган.

Тўртинчидан, *оилага қарши жиноят содир этган жиноятчиларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотли*. Таълим олишга доир ўрганишлар натижасида қуйидаги қонуниятни кўрсатади: инсоннинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг криминогенлик салоҳияти даражаси шунча паст бўлади.

Бешинчидан, оилага қарши жиноят содир этганлар – «оилавий рецидивистлар» бўлиб, юқорида санаб ўтилган умумий хусусиятлар билан бир қаторда *алоҳида цинизм, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий нигилизм билан ажралиб туради*. Бундай одамлар атрофдагиларнинг камситиш орқали ўзини гипертрофик даражада улуғлаш туйғусига эга.

Олтинчидан, *ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг муайян ҳаракатсизлиги* ҳам оилага қарши жиноятлар рецидивини келтириб чиқаради, ваҳоланки улар оиладаги носоғлом муҳит, муаммолар аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш устида ишлаши шарт.

Еттинчидан, жиноятчиларнинг томонидан содир этилган хатти-ҳаракатларига *жабрланувчиларнинг виқтим ҳулқ-атвори сабаб бўлиши*

мумкин. Кўпинча, ушбу ҳолатларда содир этилган жиноят никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, кўп хотинли бўлишда ифодаланади.

Саккизинчидан, оилага қарши жиноятлар жабрланувчиларини икки тоифага бўлиш мумкин: ўзларига жиноятни атайлаб қўзғатувчи (паст ёки бошқа мотивлар туфайли, молиявий талабларни кескин ва асоссиз ошириб, эрини алимент тўлашдан бўйин товлашга қўзғатиб, уни жавобгарликка тортиш, ундан қутулишга интилувчи шахслар) ва онгсиз равишда қўзғатувчи жабрланувчилар

Тадқиқотчи оилага қарши жиноятларнинг профилактикасини уч босқичга: жиноят содир этгунга қадар, жиноят олди ва жиноятни содир этиш босқичидаги профилактик чора-тадбирларга бўлишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот ишида, жиноятчилик ва хусусан оилага қарши жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни шартли равишда иккига: 1) ушбу жиноятларнинг содир этилишига туртки бўлган объектив сабаб ва шарт-шароитлар (қонунчиликдаги, муҳофаза қилиш тизимидаги камчиликлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий вазият); 2) айнан жиноятчи шахси билан боғлиқ субъектив омиллар (жиноятчи шахсининг рухий-психологик омиллари билан белгиланади, масалан, ортиқча сарф-харажат қилмаслик, ўч олиш, кўролмаслик ва ҳ.к.) бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Муаллиф жиноятчиликнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни умумий ва махсусга бўлиб ўрганишни таклиф қилади. Жиноятчиликнинг умумий сабабларига аксарият жиноятларни содир этилиши сабаблари ва уларга йўл қўйиб берган шарт-шароитларни киритиш мумкин. Жиноятчиликнинг махсус сабабларига эса, айнан муайян тоифадаги жиноятларга хос бўлган сабабларни – уларнинг алкоғолизм, ахлоқсизлик, моддий ночорлик замирида содир этилиши кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур бобда тадқиқотчиларнинг ушбу соҳага оид илмий қарашлари, амалиёти ўрганилиб, оилага қарши жиноятларнинг олдини олиш бўйича уч бўғиндан иборат комплекс чора-тадбирлар қўлланилиши кераклиги айтилган. Бунда умумижтимоий чора-тадбирлар – бутун жамият даражасида амалга оширилади; гуруҳли чора-тадбирлар – турли ғоялар ёки белгилар остида бирлашган гуруҳларга қаратилади; индивидуал (объекти – маълум бир шахс) чоралар – конкрет шахсга қаратилиб, улар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади: а) эрта профилактика; б) бевосита профилактика; в) жиноятлар профилактикаси; д) рецидив жиноятлар профилактикаси (муқаддам судланган шахсларнинг қайта ижтимоийлашувини таъминлайди).

Хусусан, оилага қарши жиноятларни олдини олиш учун қуйидаги якка тартибдаги профилактика чоралари таклиф қилинади:

1) оилада нормал ҳаётнинг бузилишининг олдини олиш учун барча жамоат бирлашмаларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек ички ишлар идоралари саъй-ҳаракатларини профилактика объектига таъсирини максимал даражада ошириш мақсадида бирлаштириш.

2) профилактик суҳбат ўтказилган шахслар зарур психологик ва педагогик билимларга эга бўлиши ва ҳар бир ўтказилган суҳбат муайян вазифани ҳал қилиш мақсадини кўзлаши шарт.

3) мунтазам равишда рейдларни ўтказиш, улар аввало, латентлиги юқори бўлган кўп хотинли бўлиш, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак

